



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 165-169 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.



Худойкулов Сирожиддин Узоқ ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
E-mail: khudaykulov.s.u@gmail.com

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида кластерларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида туганган ўрни, уларнинг турлари ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари. Кластерлар тўғрисида етакчи тадқиқотчи олимларнинг қарашлари. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш тартиби. Туризм соҳасини кластер тизимига ўтказишда олиб борилаётган ишлар. Етакчи мамлакатларда бир қанча соҳаларда кластер тизимини жорий этилиши натижалари батафсил ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: Кластерлар, солиқ маъмурчилиги, товар айланма ҳажми ишчи ходимлар, солиқ тушуми, агросаноат, пахта-ғаллачилик кластерлари, туризм, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, саноат.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль кластеров в экономике Республики Узбекистан, их виды и разновидности производимой ими продукции. Мнения ведущих ученых-исследователей о кластерах. Порядок организации сельскохозяйственных кластеров. Работа по переводу туристической отрасли на кластерную систему. Подробно освещаются результаты внедрения кластерной системы в нескольких областях в ведущих странах.

Ключевые слова: Кластеры, налоговое администрирование, объем товарооборота, рабочий персонал, налоговые поступления, агропромышленный, пахта-сельскохозяйственный кластеры, туризм, сельское хозяйство, автомобилестроение, промышленность.

Abstract: This article examines the role of clusters in the economy of the Republic of Uzbekistan, their types and varieties of products they produce. Opinions of leading research scientists about clusters. The order of organization of agricultural clusters. Work on the transfer of the tourism industry to a cluster system. The results of the cluster system implementation in several areas in leading countries are highlighted in detail.

Key words: Clusters, tax administration, volume of turnover, working staff, tax revenues, agro-industrial, buttermilk-agricultural clusters, tourism, agriculture, automotive, industry.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида 2017-йилда қишлоқ хўжалиги соҳасига Кластер тизими кириб келди.

Кластер тизими - бу хомашё ишлаб чиқаришдан тортиб, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни қамраб олган тўлиқ тизимдир. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётинг бир қанча тармоқларида кластер тизимидан фойдаланилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, туризм, технологик соҳада, дори-дармон ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ушбу тизим самарали эканлиги бир неча бор такидланиб, иқтисодиётда ўз самарадорлиги кўрсатиб келмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кластер назарияси XIX асрда дастлаб немис иқтисодчиси Иоган Генрих фон Тюнен ва унинг издошлари В.Лаунхард ҳамда А.Веберлар томонидан илгари сурилган. А.Маршалл ўзининг “Иқтисодиёт фани принциплари” ишида тадқиқот объекти тарзида шаҳар агломерацияси ва индустриал ҳудудларни танлаб, ўтказган тадқиқотларида самарадорлик ва ишлаб чиқариш географик локализацияси ўзаро боғлиқлигини баён этган. У корхона ва ташкилотлар самарадорлиги уларнинг иқтисодий зоналар яқинида географик жойлашувига боғлиқлигини исботлаган. Б.Лундвал ва Б.Йонсонлар эса кластер назарияси билан боғлиқ “ривожланиш блоклари” концепциясини таклиф этганлар ҳамда соҳа ёки ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари, бутун мамлакат аҳолисини узлуксиз ўқитиш жараёни миллий иқтисодий юксалиш ва рақобатбардошлик манбаи эканлигини таъкидлаганлар. Кластер назариясининг замонавий талқини XX асрнинг 80-йилларида тўлақонли шаклланди. М. Потер йирик рақобатбардош компаниялар маълум ҳудудларда концентрациялашувга мойиллигини эмпирик жиҳатдан исботлаган.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг кластер тизимини иқтисодиётда тутган ўрнига қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда юртимизда жами **256 та** кластерлар мавжуд бўлиб, ушбу кластерларнинг **116 таси** ғаллачилик, **94 таси** пахтачилик ва **46 таси** пахта-ғалла кластерларини ташкил этади. Мазкур кластерларнинг катта қисми Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида фаолият кўрсатиб бунинг асосий сабаби сифатида Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳаси ва Фарғона вилоятида тўқимачилик соҳасининг яхши ривожланганлигини мисол қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, мамлакат бюджети ҳамда аҳолининг турмуш даражасида катта ўрин касб этади. Қишлоқ хўжалигининг асосий ижтимоий вазифаси бу – мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, саноатни эса хомашёга бўлган талаб эҳтиёжларини қондиришдан иборат ҳисобланиб, ушбу фаолият мамлакат хўжалигининг энг қадимги, аҳолисининг эса анъанавий машғулоти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарорида юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини ва реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб чуқур қайта ишлашгача бўлган тизимни ўзида қамраб олган, тўқимачилик ва енгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака ва билимларини мужассамлаштирувчи “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚК, “Paraglide LTD” ҚК ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан дастлабки инновацион “Пахта - тўқимачилик кластери” мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди. “ВСТ Cluster” МЧЖ Ўзбекистонда тажриба кластерига айланди, унинг мақсади кластерлаш орқали яхши натижаларга эришиш мумкинлигини мисол орқали исботлаш эди. Бундай ишлаб чиқаришнинг моҳияти ҳар бир маҳсулотни пахта хом ашёсидан тайёр кийим олиш ва бренд яратиш эди.

Хозирда юртимизда туризм соҳасини ҳам кластер тизимига ўтказиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Президентимиз томонидан 2019 йил 5 январь куни “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли фармон қабул қилинди¹.

Бу фармонга асосан қуйидаги йўналишлар:

-туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш;

-туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш;

-туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган бўлиб, амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Кластерлар туризм инфратузилмасини ва марказларини шакллантириш, улар ташриф буюрувчиларни жалб қилиш, уларнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги исботланган. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, бу соҳада тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб туризм соҳасини ҳам кластер тизимига ўтказиш юртимизда долзарб масалага айланмоқда. Ҳозирги пайтда кластерли ёндашув асосан саноат ишлаб чиқаришига нисбатан ишлатилган. АҚШнинг электроника ва автомобилсозлик саноати, Германия кимё ва автомобилсозлик саноати, Италия пойабзал саноати, Швециянинг ўрмончилик ва ёғочни қайта ишлаш саноати ва бошқа шу каби саноат ҳудудлари нисбатан яхши тадбиқ этилган.

Бугунги кунда кластерларни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш борасида етарлича бой назарий ва амалий тажрибалар тўпланган. 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларида яшаб, ижод қилган иқтисодчиларнинг

¹ www. Lex.uz. ҚҲММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.

илмий изланишлари орқали кластер назариясига асос солинган. Унда маълум бир ҳудудда жойлашган корхоналарнинг ўзаро мужассамлашуvidан таркиб топувчи саноат районининг ўзига хос жиҳатларини очиб берган Алфред Маршаллнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ўтган асримизнинг 90-йилларидан бошлаб, ишлаб чиқаришни ҳудудий жиҳатдан ташкил этишнинг ўзига хос янги шакли сифатида кластерларга алоҳида эътибор қаратила бошланди ва мазкур масалалар М.Портернинг илмий ишларида назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Кластерларни рўйхатдан ўтказишда ҳозирда бир қанча енгиддиклар берилган. Кластерлар фаолияти масъул вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан ташкил этилади. Кластер фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган талабгорлар очик ва шаффоф онлайн танлов асосида танлаб олинади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси тугатилди. Бундан кейин кластерлар фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда вилоят ҳокимларининг қарорлари билан ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиги кластерлари ташкил этишга талабгорлар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг камида иккита босқичини йўлга қўйган бўлиши, солиқлар ва мажбурий ажратмалардан ҳамда банк кредитларидан муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилмаган ва «ёмон» кредит тарихига эга бўлмаган ҳамда мурожаат санасида кредит (лизинг, банк кафолати, аккредитив) ва солиқлардан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган бўлиши шартлиги белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш шартлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205 сонли Фармонида батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 4 февраль куни қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерлари ташкил этилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу борада Президент қарори қабул қилиниб, барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Ўтган қисқа вақтда ҳокимликлар томонидан 86 та шундай кластер ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилди. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда жорий йил 24 январдаги Мурожаатномасида айтган эди. “Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамыз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари

кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Бу – соҳада давлат аралашувини кескин камайтириш билан бирга ҳокимларнинг режа ортидан қувиш ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш амалиётига бутунлай чек қўяди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, кластерлар инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодийнинг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчидир. Янгиланишлар “инсон капитали”, яъни соҳа ва соҳалараро фаолиятни ўзида мужассамлаштирган кластерлардаги ташаббускор мутахассисларнинг тафаккури билан боғлиқ. Мазкур кластерларда соҳаларнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви билан бир қаторда, соҳа кичик корхоналарининг манфаатли кооперацияси, соҳалараро ички ва ташқи интеграция элементлари ҳам юксалишига замин яратади.

Кластернинг моҳияти шуки, унинг таркибидаги хўжаликлар, корхоналар, муассасалар хомашёни етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулот вужудга келиши ва уни сотишгача бўлган жараёнда битта яхлит жамоага бирлашади. Натижада таннарх пасаяди ва кўпроқ фойда олиш имкони юзага келади. Бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар иқтисодийнинг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластер мавжуд. Улар ишчи кучининг 38 фоизини қамраган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатига бу усул тўлиқ татбиқ қилинган. Мамлакатимизда мазкур тизим жадал ривожланиш босқичида. Бир неча йил олдин кластерлар фақат аграр соҳада бунёд қилинган бўлса, эндиликда бошқа тармоқларда ҳам бўй кўрсатяпти. Хорижий давлатларда кластерлар иқтисодийнинг барча тармоқларида аллақачон етакчи тизимга айланган. Масалан, АҚШда хусусий сектордаги одамларнинг 32 фоизи, Швецияда меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг 39 фоизи кластерларда ишлайди. Ҳиндистон кластерларида мамлакат экспортининг 60 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқарилади.

АҚШдаги “Силикон водийси” номи билан дунёга машҳур кластер таркибига 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар кирган. Мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатяпти.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси (янги тахрир).
2. Б.И.Исроилов. Ўзбекистонда солиқ тизими асослари. 2016 йил.
3. www.Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. www.uza.uz Ўзбекистон миллий ахборот агултиги.
5. www.Agro.uz Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.
6. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

